O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ—ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 1999 ЙИЛ 30 *МАРТ*, СЕШАНБА | № 13 (113) | Сотувда эркин нархда

Shu songa xabar

ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қонун лойиҳасининг моддалари бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар муҳокама қилинди.

Маълумки, демократиянинг муҳим шартларидан бири мулкни аста-секин нодавлат нотижорат ташкилотларга беришдир. Ушбу қонун лойиҳасида кўзда тутилган мақсад республикамизда фаолият кўрсатаётган хорижлик турли ташкилотлар билан ўзаро муносабат ва алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳам қаратилгандир.

Давра суҳбатида нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги тушунчанинг аниқ мезонларини белгилаб олиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Муҳокамада Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмитаси, Олий Мажлис Котибиятининг юридик бўлими, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили, қонун лойиҳаси бўйича билдирилган таклифларни ишлаб чиқиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги ҳамда элчихоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар атрофлича ўрганиб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этиладиган бўлди.

Ўз мухбиримиз

Anjuman

ЭЪТИБОРДА АЁЛ ҲУҚУҚИ

1999 йил 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги республика хотин-қизлар қўмитаси, республика «Маънавият ва маърифат» Маркази, Судьялар Ассоциацияси ҳамда бошқа давлат ташкилотлари ва илмий-ўқув жамоалари ҳамкорлигида «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш муаммолари» мавзусида илмий-амалий Конференция бўлиб ўтди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Сирожиддин Мирсафоев кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидан вакиллар ва унинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Адлия вазирлиги раҳбарияти, таркибий тармоқлари мутасаддилари, Маданият вазирлиги масъуллари, республика хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Маркази, Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент Давлат маданият институти, республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази, Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш Маркази сингари 20 дан ортиқ давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Тадбирда таниқли ҳуқуқшунос олимлар, маҳаллалар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоларнинг вакиллари ҳамда фахрий аёллар, бир қатор оммавий ахборот воситаларидан вакиллар қатнашдилар.

Анжуман йўлбошчимиз И.Каримовнинг 1998 йил 5 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқларидаги **«Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз»** деган сўзларига ҳамоҳанг тарзда ўтди.

Маъруза ва музокараларда асосий урғу жамиятимизда аёлларнинг ўрни ва ҳаракатлантирувчи кучига ҳуқуқий ёндашиш, улар ҳуқуқини муҳофаза қилиш, қонуний манфаатларини ҳимоялаш, хотин-қизларнинг эъзозини том маънода - амалда йўлга қўйишга берилди, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотларининг, кенг жамоатчиликнинг, оммавий ахборот воситаларининг, шунингдек, илмий даргоҳлар, олимлар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг вазифалари белгилаб олинди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова қатнашди ва маъруза қилди.

Анжуман ишчан ва қизиқарли тарзда ўтди, кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги матбуот котиби

Farg'ona gazetxoni fikr bildiradi

«ИНСОН ВА ҚОНУН»ГА ЭЪТИБОР ҚАНДАЙ?

Республикамизда кейинги йилларда кўплаб газета-журналлар чоп этиш ташкил этилди. Булардан ҳуқуқий мавзуга ихтисослашганларининг сони тахминан 45 дан ортиқ. Шулардан иккитаси Адлия вазирлиги муассислигидаги «Инсон ва қонун» газетаси ва «Ҳаёт ва қонун» журналидир. Ушбу газета ва журнал дунё юзини кўрганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо шу қисқа давр ичида улар ўз мухлисларини топди. Бугун ушбу нашрлар муштарийларга пешма-пеш етказиб берилаяптими? Келинг, яхшиси Фарғона шаҳар кўчаларидаги газета ва журналлар сотиш дўконларидаги масъул ўртоқларнинг фикрларига қулоқ берайлик.

Ўрмонжон Раҳматуллаев, Фарғона шаҳар, Маҳмуд Қосимов кўчасидаги № 24 дўкон мудири:

- 1-2 та онда-сонда шу газетадан тегиб қолса, оламиз, холос.

- Нима учун 1-2 та, 10-20 та олсангиз бўлмайдими?

- Олсам бўлади. Бироқ сотолмай қолсам, сўнгра газетани қайтариб олишмайди.

- Айтинг-чи, шу газета айнан сизнинг дўконингизда ўтмай қолиши мумкинми?

- Ҳозирча бундай бўлгани йўқ. Ҳарқалай 5-6 тага кўпайтириб беришса, албатта сотилиб кетади.

Мухторжон Турғунбоев, Бобур кўчасидаги № 2 газета-журнал дўкони (бу дўкон айнан Фарғона Давлат университети қошида жойлашган) мудири:

- Мендан кўпроқ «Ҳаёт ва қонун» журналининг янги сонларини сўрашади. Айниқса, зиёлилар «Инсон ва қонун» газетасини излашади. Агар 10 та газета, 10 та журнал қўшимча ажратилса яхши бўларди.

Шу савол-жавоблар устига Фарғона Давлат университети ҳуқуқшунослик факультети катта ўқитувчиси келиб қолди.

- Ҳуқуқий газета-журналлар ҳозир анча кўпайиб қолди. Уларнинг аксариятида олди-қочди гаплар босилади. Ёшлар мана шундай мақолаларни ўқишга қизиқишади. Лекин биз домлалар уларга нималарни ўқиш лозимлигини тушунтиришимиз керак.

Мен кейинги пайтда «Инсон ва қонун» газетаси ва «Ҳаёт ва қонун» журналларини мунтазам оламан ва уларда босилаётган мақолалардан айримларини маърузаларимга киритаяпман. Ҳозир юридик адабиётлар тақчил пайтда бу жуда қўл келади. Яна битта гап. Мазкур газета ва журнал сотувда 1-2 тадан тарқатилади, холос. Бу яхши эмас. Сотилмай қолади деб қўрқиш керак эмас. Пештахталарда турсин, одамлар кўрсин, билсин, шундагина бу нашрларни эл танийди.

Домланинг сўзларида жон бор. Биз бошқа дўконларда ҳам бўлдик. Соҳибқирон Темур номидаги кўчада жойлашган 19 дўкон, А.Навоий номли кўчадаги 8-дўконларнинг мудирлари ҳам айнан юқоридаги сўзларни такрорлашди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Фарғона шаҳрининг ўзида 50 га яқин, вилоят бўйича эса 150 дан ортиқ катта-кичик шундай дўконлар мавжуд экан. Демак, ушбу дўконларнинг ҳар бирига 5-6 тадан газета ва журнал берилганда ҳам мухлисларимизнинг сони вилоят бўйича 700-800 тага ошиши мумкин экан. Ўйлаймизки, вилоят матбуот тарқатиш уюшмасидаги мутасаддилар бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўришади.

Эрдавлат ОДИЛОВ, «Инсон ва қонун» мухбири

Mashmasha

Нима бўлди-ю, Хўжамурод Чориевдан сўнгги пайтларда омад терс ўгирилиб олди. Бундан унинг энсаси қотди, хуноби ошди...

Чориев институтни битиргач, Қизириқ туманида оддий муаллимликдан фаолият бошлаган эди. Тиришқоқлиги, изланувчанлиги ҳамкасблари орасидаги обрў-нуфузини оширди. Шу сабаблими ёки омад қушининг бу одамга ишқи тушганданми, ҳар ҳолда халқ таълими тизимида масъул лавозимларга лозим кўрилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларида турли амал курсиларида ўтирди. Етти йилдан зиёд Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади. Хуллас, ҳамма нарса ўткинчи экан. Кунлардан бирида Республика телевидениесида Шўрчи туманидаги 3- ва 14-мактаблардаги ночор аҳвол қаттиқ танқид остига олинди. Шу боис вилоятдаги халқ таълими тизими остин-устин бўлиб кетди. Бошқарма бошлиғи Р.Турсунов лавозимидан озод этилди, биринчи ўринбосари Хўжамурод Чориевга вақтинча бошлиқ вазифасини бажариб туриш юклатилди. Аммо бу ҳам узоққа чўзилмади. Қаҳрамонимиз ҳам калтакнинг бир учидан бенасиб қолмади, ишдан мутлақо четлаштирилди. Кейинги воқеалар тизими шу қадар чалкашиб кетдики...

- Хуллас, ука, мухбир бўлсангиз ҳам кечирингу биз «мухбирхўрда» бўлиб қолдик, - деб қолди Хўжамурод ака бир куни дабдурустдан.

- Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосарлигидан кетганингиздан кейин нима бўлди, шундан гапиринг?

- Ахир, мен ишдан кетганим йўқ. Кетказилдим!

- Нима фарқи бор?

- Жуда бор-да! Ахир, мени ишдан бўшатишиб, Термиз озиқ-овқат саноати коллежи директори вазифасига ўтказишди-ю, аммо аввалги вазифамдан кетганлигим ҳақида расмий буйруқ чиқарилмади. 1998 йилнинг февраль, март, апрел ойларида ишсиз, маошсиз қолдим. Май ойининг 26 кунига келиб, бошқарманинг янги бошлиғи Б.Мирзаевга ишдан бўшаш ҳамда олмаган ойлик-маош, сафар харажатлари ва меҳнат таътилим учун тўлов сўраб ариза бердим. Энг кулгили томони ўзини ҳуқуқий саводхон шахс деб ҳисоблайдиган бошлиғим менинг 26 майда берган аризамга асосланиб, уч ой ортга ҳатлаб 12 февраль куни мени ишдан бўшатиш, тўланмаган меҳнат ҳақларимни тўлаш, меҳнат таътили ва моддий ёрдам бериш тўғрисида буйруқ чиқарди. Энг таажжубли томони у киши буйруқда кўрсатгандек, мен умуман меҳнат таътилига чиққан эмасман. Ёқа ушлайдиган жиҳатлардан яна бири, тўланмаган ойлик маошларимни роппа-роса бир йилдан сўнг тўлашди.

Энди қаранг: 1998 йил 26 майда бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод этиш ҳақида Б.Мирзаевга ариза бераяпман. У эса шу йилнинг 12 февралида аризамни қаноатлантириш ҳақида буйруқ бераяпти. Вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Абдухалил Мелиқулов эса 17 апрелда мени Термиз озиқ-овқат саноати коллежи директори вазифасига тайинлаш ҳақида буйруқ чиқараяпти. Ҳайрон қолмасдан бўладими, киши.

- «Хўп, буйруқни қачон берса берибди-да: бошлиқнинг кайфияти чоғ бўлса буйруқ чиқараверади» деб ҳисоблайлик. Кейин нима бўлди, кейиндан гапиринг.

- «Шум бола»нинг бой отасидек «иннай кейинчи» деяверар экансиз-да, ука. Энди менга ёқмаганни «боланг мухбир бўлсин» деб қарғасам керак. Очиғи «тўртинчи ҳокимиятни» ҳурмат қиламан. Танқидни ҳам тан оламан. Аммо ҳамма нарсада меъёр бўлиши керак-ку! Хуллас, «фақирга зоғора нон ҳам паловдек» деб коллежда ишлаб юрувдим. Уни эпақага келтираман деб она сутим оғзимдан келди. Иморат бир пайтлар ҳунар-техника билим юрти бўлган. Дарсхоналар абгор бир ҳолатда эди. Хуллас, ўч ой ичида қайта таъмирладик, жиҳозладик. Жамоамиз билан суткасига 14-15 соатлаб, эрта тонгдан ярим тунгача қурувчилар ёнидан кетмай ишладим, шу ерда тунаб қолган пайтларим ҳам бўлди. Жонимни жабборга бериб ишлаётганимда яна «бурним тирқираб қонай» бошлади.

1998 йилнинг 15 ноябри соат 14-15 лар чамаси эди. Менга коллежга телемухбир келаётганлигини айтишди. Бош устанинг хонасига киришим билан мухбир менга ўзини таништира туриб, тасвирчисига «тасвирга ол!» деб буйруқ берди ва менга «шиору суратлар қандай ҳолатда туриши керак?» деб савол берди. Бундай савол менга ғалати туюлди. Устахонада таъмирлаш учун йиғилган сурат-шиорлар бор эди. У ўшаларга имо қилаётган эди. Мен мухбирнинг қидираётган «нуқсон»идан бироз норози бўлдим ва «ҳозир устахона мудирини чақираман» деб ташқарига чиқдим. Мухбир эса орқамдан ҳам тасвирга олдириб, 1998 йил 21 ноябр куни «Ахборот»да гўёки мени саволга жавоб беришдан бош тортиб қочиб кетганликда айблаб, танқидий лавҳа бериб юборди. Ваҳоланки, таъмирлаш учун вақтинча устахона бурчагига олиб қўйган «айбимиз»ни кўрган мухбирнинг нигоҳи бошқа ижобий ишларимизга тушмади. Ҳатто шаҳарнинг марказий қозонхонаси томонидан берилмаган иссиқлик учун ҳам бизни айблашди.

- Хўжамурод ака, мен «фаолиятингиздан гапиринг» десам, сиз мухбирга ёпишасиз, чалғиманг-да!

- Ҳамма гап шунда-да! Ўша телекўрсатувда берилган лавҳадан сўнг «бизни шарманда қилдинг» дегандек, мени коллеж директорлигидан ҳам бўшатишди. Ахир, бу қанақаси? Емаган сомсага пул тўлайверасанми? Хуллас, шундан сўнг ноҳақ, асоссиз ишдан бўшатилганим ҳақида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тўрт-беш марта норозилик телеграммалари жўнатдим, икки марта ариза билан мурожаат қилдим.

- Хўш?

- Аввалига мурожаатларим кўрилиши бироз чўзилди. Сўнг Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси И.Абдуғаниев номига 12 январда юборган аризам юзасидан тузилган комиссия 25-28 январ кунлари келиб текшириш ўтказди. Уларнинг отасига раҳмат, холислик билан масалани ўрганиб чиқишди. Комиссия аъзолари мен томондан йўл қўйилган нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтишди. Энг муҳими, аввалги вазифамдан бўшатилишим ҳам, коллеж директорлигидан олинишим ҳам амалдаги қонунлар асосида эмас, балки айрим найрангбозликлар туфайли эканлигини фош этиб ташлашди.

Суҳбат жараёнида у менга фикрларини асословчи ҳужжатлар, чиқарилган буйруқлару республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси комиссиясининг, унинг ҳар икки ҳолатда ҳам ноқонуний жазоланганлиги хусусидаги ёзма хулосасини тақдим этди. Эътибор қилайлик, гап Х.Чориевни оқлаш ҳақида эмас, балки инсон ҳуқуқи кетма-кет бузилиши ҳамда адолатсизликка йўл қўйилганлиги ҳақида бораяпти.

Навбатдаги мантиқсизликларга Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳи раҳбари Ҳасан Аллабердиев йўл қўйган. Унинг 1999 йил 20 январида Термиз шаҳар озиқ-овқат саноати коллежи директори ўринбосари Х.Давлатов ҳамда бош уста Ж.Ҳайитовларга юборган жавобини кўринг:

«Вилоят ҳокимлиги томонидан Сизларнинг вилоят ҳокими Ж.Норалиев номига ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи А.Мелиқулов, Термиз озиқ-овқат саноати коллежи директори Х.Чориевлар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар тўғрисидаги аризангиз ўрганиб чиқилди. Аризада кўрсатилган фактлар қисман ўз тасдиғини топди. Ушбу мазмундаги ариза Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ҳам текширилди. Текшириш якунига кўра вазирликнинг 1998 йил 22 декабр 120-сонли буйруғи билан А.Мелиқуловга ҳайфсан бериб, коллеж директори Х.Чориев эгаллаб турган вазифасидан озод этилди».

Энди жаноб Ҳ.Аллабердиевнинг 1999 йил 7 февраль куни Хўжамурод Чориев номига юборган «Ч-81» рақамли жавоб хатини ўқинг:

«Вилоят ҳокимлиги Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси томонидан тузилган комиссия билан биргаликда сизнинг республика Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Марказий қўмита номига эгаллаб турган лавозимингиздан ноҳақ бўшатилганлигингиз тўғрисидаги ариза ва шошилинчномаларни атрофлича ўрганиб чиқди.

Ўрганиш жараёнида Сизнинг ишдан бўшатилишингизда қонун талаблари бузилганлиги аниқланди.

Вилоят ҳокимлиги ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси Сизнинг ноқонуний равишда ишдан бўшатилганлигингизни ҳисобга олиб (?), вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги Термиз шаҳар 6-сон физика-математика йўналишидаги лицей-интернат директорлиги, ўрта махсус таълими бошқармаси тасарруфида янги ташкил этилаётган «ўқув методик бўлими» бошлиғи лавозимларини таклиф этди. Сиз бу таклифларни рад этиб, судга мурожаат этгансиз. Суд органлари ва Республика Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг маълумотномаси ва хулосасини кўриб чиққандан кейин вазифангизга тиклаш масаласи кўрилади».

Қизиқ, Х.Аллабердиев айтганидек, Х.Чориевни ишдан бўшатишда қонун талаблари бузилганлиги аниқланган бўлса, нега қонунбузарлар жазоланиб, жабрдийда ўз вазифасига тикланмайди? Нега унга физика-математика лицейи директорлиги таклиф этилади? Бу нима, юпатишми? Ёки физмат лицейининг айни пайтдаги директори ҳокимиятга ёқмай турибдими? Яна ҳам қизиқ томони, Х.Чориев ҳали бирор масалада судга мурожаат қилганича йўқ. Ҳасан Аллабердиев «Сиз ушбу таклифларни рад этиб, судга мурожаат этгансиз» деган гапни қаердан олди экан? Х.Давлатов ҳамда Ж:Ҳайитовларга юборилган биринчи жавобда Х.Чориевнинг ишдан бўшатилишининг асосли эканлиги ҳақида гап борса, қаҳрамонимизнинг ўзига юборилган жавобда: «...Сизнинг ишдан бўшатилишингизда қонун талаблари бузилганлиги аниқланди» деб ёзилса? Арбоб акамизнинг қайси лафзига ишонса бўлади? Ва умуман, сохтагарчиликлару ҳуқуқий саводсизликларга қачон чек қўйилади? Вилоят ҳокимлигининг кадрлар масалалари билан шуғулланувчи масъул ходимига бундай «ўйин»лар ярашадими?

Хуллас, сўнгги пайтларда Хўжамуродбойнинг омади кетиб, «Эссиз йигитлик даврим» деган афандининг қўшиғини хиргойи қилиб юрибди. Ҳақиқат сўраб мутасаддилар даргоҳига борса, унга бошқа ишни таклиф этишади. Кўнмаса катта кўчани кўрсатишаяпти. Қизиғ-а, лаббай!

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД, «Инсон ва қонун»нинг махсус мухбири

ОМАДИ ЧОПИБ-ЧОПМАГАН ОДАМ

«Энди менга ёқмаганни «боланг мухбир бўлсин» деб «алқасам» керак. Очиғи «тўртинчи ҳокимиятни» ҳурмат қиламан. Танқидни ҳам тан оламан. Аммо ҳамма нарсада меъёр бўлиши керак-ку!» – деди Хўжамурод Чориев

Xorazm tomonlarda

ДЕМОКРАТИЯ ОМИЛИ

Ҳуқуқий-маърифий ўқувлар жамиятда демократиялаш жараёнларини кучайтиришнинг муҳим омилларидан бири саналади. Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг Хоразм вилоят бўлими уюштираётган тадбирларда ижтимоий турмушнинг ана шу талаби изчил адо этилаяпти. Вилоятда куни-кеча ҳуқуқий-маърифий ўқувларнинг навбатдаги босқичи ниҳоясига етказилди. Унда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ва Президентимизнинг «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари атрофлича ўрганилди. Бевосита омма орасида, фуқароларнинг истиқомат жойларида ўтказилган маърифий анжуманларда мазкур бўлим фаолларидан ташқари «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими мутасаддилари ҳам қатнашиб, ранг-баранг мавзудаги маърузалар билан чиқдилар.

Бўлим ҳайъати бошқа долзарб мавзулардаги тарғибот-ташвиқот тадбирларига ҳам жиддий аҳамият бераяпти. Унинг ташаббуси билан «Хоразм пилла» ҳиссадорлик бирлашмасида қишлоқдаги ислоҳотларга оид қатор қонунлар, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни, вилоят коммунал хўжалик бирлашмасида Ўзбекистон Республикасининг янги «Уй-жой Кодекси»ни ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш масалаларига бағишланган ўқувлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Абдулла СОБИРОВ, «Инсон ва қонун» мухбири

Бахмал туман ички ишлар бўлими ва туман суди ҳамкорликда олиб бораётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бу икки идора ходимлари мунтазам жойларга чиқиб, кенг жамоатчилик оммаси орасида ҳуқуқ-тартибот борасида тушунтириш ишларини намунали йўлга қўйишган.

СУРАТДА: (чапдан) адвокат Хўжабек Ортиқов, участка нозири Ғанижон Тиловов, туман суди раиси Раббим Хўжамқулов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

Xushxabar

НАВРЎЗ ТУҲФАСИ

Наврўз байрами арафасида Қашқадарё вилоят судининг янги биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Бино вилоятнинг 19-трестига қарашли 242-кўчма қурилиш-механизациялашган колоннаси (бошлиғи Эргаш Амирқулов) томонидан анча сифатли ва бежирим қилиб қурилган.

Адлия вазирлиги ва вилоят ҳокимлиги бу бинонинг қурилиши учун 30 млн.дан ортиқ маблағ ажратган эди.

Бинонинг очилишида вилоят ҳокими Шуҳрат Бегматов, Қарши шаҳар ҳокими Йўлдош Қораев, республика адлия вазирлигининг вакили - бошқарма бошлиғи ўринбосари Жалолбек Абдусаттóров, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ғайбулла Сафаровлар иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз

РУХСАТНОМАНГИЗ БОРМИ?

Luqma

- дейди Боёвут тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Фурқат ҲОТАМОВ. Во ажаб...

Боёвут тумани солиқ идорасининг биноси кўпни кўрган бинолардан. Бу ерда иш бошлаб, бошқариш, одамлар билан бамаслаҳат, ҳамфикр бўлиб ишлаш сирларини ўрганиб чиққан юзлаб ходимлар вилоятдаги кўпгина масъул вазифаларга ўтказилган. Бундай одамлар ҳақида қанча гапирсанг шунча оз. Аммо шоли кўрмаксиз бўлмас экан. Ҳозир бу бинога кимлар кириб чиқяпти? Мисол тариқасида яқинда бўлиб ўтган мулоқотни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

Биз солиқ идорасининг ходимлари билан ҳамкорликда иқтисодий ва ҳуқуқий мавзуда мақола ёзиш ниятида эдик. Бинога кираверишдаги пиллапояда туман солиқчиларининг раҳбари Фурқат Ҳотамов икки-уч бирodарлари билан суҳбатлашиб турарди. Салом-аликдан сўнг ўзимизни таништирдик.

- Хўш, хизмат? — деди у нописандлик билан.

- «Инсон ва қонун» газетасиданмиз. Туман солиқ инспекциясининг ишлари, келгуси режалари билан танишмоқчи эдик.

- Рухсатнома-ҳужжатларинг борми?

Биз хизмат гувоҳномамизни кўрсатдик.

- Ана бу бошқа гап. Махсус мухбир. Лекин катталарнинг рухсатисиз бу ҳам ҳеч қанақа ҳуқуққа эга эмас. Тушдан сўнг вилоятдаги катталарга телефон қилиб

(Давоми 3-бетда)

Muhokama, taklif

ҚОНУНЛАРИМИЗ МУКАММАЛ БЎЛСИН

Жамиятимиз ҳаётида амал қилиб келинаётган ҳар бир қонун аввало умумхалқ муҳокамасидан ўтганлиги боис ҳам тўлақонли ҳужжат мақомига эга бўлади.

Фуқаролик жамиятининг қонуний пойдеворларига асос солинаётган шу кунларда Олий Мажлис томонидан умумхалқ муҳокамасига қўйилаётган ҳар бир қонун лойиҳаси ўта қизғин таҳлил этилаётгани, турли керакли мулоҳаза ва таклифларнинг ўртага ташланаётгани халқимиз орасида ҳуқуқий онг ва тафаккурнинг юксалаётганидан далолатдир.

Маълумки, айни кунларда халқ муҳокамасига ҳавола этилган «Ўрмон тўғрисида»ги ҳамда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари кенг миқёсда ўрганилмоқда.

Турли меҳнат жамоалари, ўқув ва илмий муассасаларида олимларимиз, мутахассислар ва фуқаролар қонун лойиҳаларига доир ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташлаётирлар. Яқинда ана шундай анжуманлардан бири Тошкент Давлат юридик институти ва унинг тасарруфидаги ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ходимлари иштирокида ўтказилди.

Қуйида ана шу муҳокама қатнашчилари бўлмиш мутахассис ва олимларимизнинг мазкур қонунлар лойиҳалари хусусидаги мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

У.АЮБОВ, Аллия вазирлиги бўлими бошлиғи:

- Ҳаётни наботот оламисиз тасаввур қилиш қийин. Дарахтлар бор экан биз мусаффо ҳаводан нафас оламиз, иқлимимиз мўътадил, тупроғимиз таркиби намлик ва турли озуқаларга бой. Ширин-шакар, лаззатли мевалар билан дастурхонимиз тўкин. Бир сўз билан айтганда, дарахтзор, тўқайзорлар – бизнинг миллий бойлигимиз. Уларни асраш, кўпайтириш бир қанча амалий ишларни муттасил бажариш масъулиятли вазифаларимни билдиришни лозим топдим.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси 43 моддадан иборат. Унда ўрмонлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг асосий қоидалари белгилаб берилган. 1978 йил 26 июлда қабул қилинган амалдаги Ўрмон кодекси бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Чунки унинг моҳияти Ўзбекистон ўрмонларининг ҳуқуқий ҳолатига мос келмайди. Охирги йилларда бир қатор экологияга оид янги қонунлар қабул қилинди ва бу ўрмон муносабатларини янгича тартибга солишини тақозо этади. Ушбу Қонун лойиҳасида ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этишга қаратилган янги қоидалар мавжуд. Масалан, ўрмончиларнинг вазифалари (3-модда), давлат ўрмон фонди участкалари (8-модда), ўрмон қўриқчилиги (13-модда), ўрмонларнинг қўриқланиш тоифалари (15-модда) ва бошқалар.

Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан қуйидаги таклифларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

Лойиҳанинг 19-моддаси иккинчи қисмида ўрмондан фойдаланишнинг тўловлилиги тўғрисида қоида белгиланган ва қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно бўлиши кўрсатилган. Лекин ушбу тўловлар миқдори ким томонидан белгиланиши кўзда тутилмаган. Бу масалани лойиҳада ёритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Лойиҳанинг 39-моддасида ўрмонларда ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажаришда ёнғинга қарши ва санитария ҳолатини ҳамда ўрмонларни кўпайтириш шароитини ёмонлаштирмайдиган усулларда амалга оширилиши лозимлиги қайд этилиши лозим.

Лойиҳанинг 40-моддасида ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб қўйиш, чеклаш ва тақиқлаш масаласи қўйилган. Лекин ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини ким томонидан ва бундай тўхтатиб қўйиш, чеклаш ва тақиқлаш қайси ҳолларда амалга оширилиши ушбу моддада кўрсатилиши лозим.

Лойиҳанинг ўзбек тилидаги матни қайта таҳрир қилиниши керак.

М.ҒУЛОМОВ, И.Икромов тумани, А.Ҳидоятов маҳалла фуқаролар йиғини раиси, доцент:

- Фуқаролик ва адолатли жамият тушунчалари яхлит, бир бутун тушунчалардир. Фуқаролик жамиятини қарор топтиришда ҳуқуқий асоснинг даражаси жуда муҳим. Мен «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг кенг муҳокама этилаётганини ҳамжиҳатлилик ва ҳурфикрлик намунаси деб биламан. Бу лойиҳа маҳалла ҳаётининг деярли барча жабҳаларини етарли даражада қамраб олган. Албатта, унинг баъзи жиҳатларини янада мукаммаллаштириш, маромига етказиш ҳаммамизнинг ишимиздир. Мен лойиҳа юзасидан шундай фикр ва таклифлар бермоқчиман:

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида қонун лойиҳасининг 13-моддаси фуқаролар йиғининнинг раиси – оқсоқол дейилган. Оқсоқол сўзини аёлларга нисбатан ишлатиб бўлмайди. Шунинг учун аёллардан бўлган фуқаролар йиғининнинг раҳбарига қайси термин, сўз ишлатилишини ўйлаб кўриш керак.

Қонун лойиҳасининг 5-моддасида фуқаролар йиғининнинг комиссиялари, яъни туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган жойларда маъмурий комиссия тузиш ҳақида фикр юритилади. Бу фикрни кенгайтириб, бундай маъмурий комиссияларни шаҳар маҳаллаларида тузиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтириш мақсадида маҳалла раисларига, унинг комиссияларига қонунбузарлик ҳолатлари рўй берган ҳолларда маъмурий чоралар қўллаш ҳуқуқи берилса яхши бўлар эди (санитария назорати, экология, жамоат жойларида безорилик, қўни-қўшниларга беҳурматлик, спиртли ичимликлар оқибатида оилаларда нотинчлик) келтириб чиқарилган шароитларда шу ҳуқуқлардан фойдаланилади (13-моддага қўшимча).

Қонун лойиҳасининг 22-моддасида фуқаролар йиғини ўз девонига эга бўлади дейилган. Кам таъминланган оилаларга, 16 ёшгача бўлган, 2 ёшгача бўлган болаларга тўланадиган пулларни тайин қилиш ниҳоятда мушкул вазифалигини инобатга олиб, ҳар бир маҳаллага биттадан ҳисобчи штати берилиши зарур деб ҳисоблайман.

Туман судларида маъмурий судья штатини ташкил этиб, маҳаллаларга бириктириш керак, оилавий жанжаллар, ҳовли-жой (мерос) жанжаллари, майда безорилик ишлари маҳаллаларда кўрилса мақбул бўларди.

А.ТЎЛАГАНОВ, Тошкент Давлат юридик институти, профессор:

- «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 3-моддаси 1-абзацида, 5-модданинг 2-абзацида вакиллар йиғилиши ҳақида гап боради. Шу ўринда «бу қандай орган, унинг ваколатлари нималардан иборат?» деган савол туғилади. Лойиҳада вакиллар йиғилишининг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берувчи махсус бир модда берилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳозирги иш тажрибасида ҳам кўп тушунмовчиликлар вакиллар йиғилиши масаласи пухта ишланмаганлигидан келиб чиқаётганини ҳам эътиборга олиш лозим.

Лойиҳанинг 5-моддаси 6-абзаци фуқаролар йиғининнинг маъмурий комиссияси деб ёзилиши мақсадга мувофиқ. Ва бу демак, маъмурий комиссиялар барча ўзини-ўзи бошқариш органларида тузилиши лозим, чунки улар биринчидан, жамоатчилик асосида ишлайди, иккинчидан, маъмурий низолар билан фуқароларнинг ҳозирда туман ва шаҳарларда ташкил этилган маъмурий комиссияларга қатнашларига зарурат қолмайди.

Лойиҳанинг 18-моддасида фуқаролар йиғини зарурият қараб чақирилади дейилган (вакиллар йиғини ҳам). Лекин маълум мансабдор шахсларнинг, туман, шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари йилнинг ҳар чорагида эшитилади, дейилган. Бу ўзини-ўзи бошқариш органлари йилига 4 марта йиғилиш ўтказиши лозим, деган фикрни билдиради. Фикримизча, йилда бир ёки икки марта йиғилиш ўтказишни ўйлаб кўриш жоиз.

Қонун лойиҳасини бобларга бўлиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Навоий шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмаси посбонлари олиб бораётган ишлар мақтовга сазовордир.

Тиниб-тинчимас посбонлар томонидан кейинги пайтларда олиб борилган ишлар натижаси шуни кўрсатдики, хар бир нозир кичик туманларда эрта-ю кеч юриши керак экан. Шунда қўплаб хонадонларга тушиб, ўғрилик содир этаётганларни қўлга тушириш осон кечар экан.

Бу борада Навоий шаҳридаги тартиббузарликка, ўғриликка қарши курашда жиноят қидирув бўлинмаси катта тезкор вакиллари Фарҳод Бозоров, Фазлиддин Ўриновларнинг хиссаси беҳад катта бўлмоқда.

СУРАТДА:(чапдан) Фарҳод Бозоров, Фазлиддин Ўриновлар қўлга олинган ашёвий далилларни кўздан кечиришмоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Amaliy tadbirlar

АЁЛ НОМИГА ДОҒ ТУШМАСИН

Бўлимимиз шахсий таркиби Республика Президенти ва ҳукуматимиз олиб бораётган одил сиёсат, қабул қилинган қонунлар ва қарорларнинг бажарилишини таъминлаш йўлида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб келмоқда. Мақсад халқ осойишталигини сақлаш, турли хил жиноятларга қарши кескин кураш олиб бориш керак экан, бу борада биз бир қатор ишларни амалга оширдик. Жумладан, «Комплекс», «Тозалаш», «Арсенал», «Назорат», «Тўсиқ», «ДАН куни» сингари тадбирлар натижасида ўтган йили жиноятлар сони 1997 йилга нисбатан 97 тага камайди.

1998 йили 97 та жиноий гуруҳ, шунингдек, қидирувда бўлган шахсларнинг 81 нафари қўлга олинди. Албатта, бу борада жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб бораётган жиноят-қидирув бўлинмаси ходимларининг хизматлари катта. Мазкур бўлинма томонидан жиноят содир этишга мойил шахслар аниқланиб, улар билан ўз вақтида амалий ишлар олиб борилди. Муқаддам судланган шахсларга нисбатан назорат ишлари кучайтирилди.

ДАН бўлинмаси ходимлари томонидан ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида маълум ишлар қилинди. Ўтган йил мобайнида 15527 та қоидабузарлик ҳолати аниқланди ва улар юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Халқаро йўл йўналишида ДАН бўлинмасининг кечаю-кундуз ишлайдиган ҳаракат постлари ташкил этилди.

Биз янги йилни янги режалар, хайрли мақсадлар билан бошлаганмиз. Жумладан, бу йилги дастуримиздан турли хил жиноятларни очиш бўйича шахсий таркибнинг касб савиясини ошириш, жиноят бўйича гумондорларни аниқлаш, содир этилган қонунбузарлик ҳолатларини очишда барча бўлинмалар ҳамкорлигини таъминлаш, бу борада жамоатчиликнинг ролини ошириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ДАНБ ходимлари ишини икки сменада ташкил этиш каби вазифалар ўрин олган. Ана шу саъй-ҳаракатларимиз жиноятчиликка қарши курашишдек хайрли ишимизда замин бўлиши шубҳасиздир.

Юртбошимиз 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилдилар. Бу аёлларимизга бўлган эҳтиромдан далолатдир. Шу муносабат билан биз ҳам шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда учрашувлар, одоб-ахлоқ мавзуида суҳбатлар ташкил этаяпмиз, рейдлар ўтказаяпмиз.

Аммо ҳаёт - ҳаёт экан-да! Ана шундай текширишлар натижасида гоҳида аёлларимиз томонидан содир этилаётган номақбул ишларнинг ҳам гувоҳи бўлаяпмиз. Албатта, бу ҳолатларга биз оиладаги иқтисодий етишмовчиликларни, ҳаёт сўқмоқларида дуч келинадиган турли қийинчиликларни рўкач қиламиз, лекин буларнинг аксариятига ўзимизнинг иродасизлигимиз, сабрсизлигимиз ва давр ўзгаришларига лоқайдлигимиз сабабчи эканлигини англаб етмаймиз. Ҳуқуқий савиямиз даражасини ошириш пайида бўлмаймиз. Босаётган қадамимиз оқибатини ўйламаймиз. Қуйидаги ҳодисалар ҳам ҳар қандай кишини ўйлантириб қўйиши табиий.

Қўшни Тожикистон Республикаси фуқаролари бўлмиш Салима Шамсуддинова ҳамда Наиля Қирғизбоевалар Ангрен шаҳрида яшаб келаётган Усмон Нурмуҳаммедов, Владимир Остапенколар, Вадим Казаковлар билан тил бириктириб ўта хавфли жиноятларга қўл урдилар.

Салима Шамсуддинова 1998 йил январ ойи охирларида Ангрен шаҳрида яшовчи Усмон Нурмуҳаммедовдан оғирлиги 2 кг бўлган портловчи модда ва 3 дона детонаторларни 10000 сўмга сотиб олган. Бу тақиқланган портловчи моддани Усмон пул ишлаб олиш мақсадида шу шаҳарда яшовчи Владимир Остапенкодан 4000 сўмга сотиб олган экан. В.Остапенко эса 1993 йилда «Қизил олма» шахтасида портлатувчи бўлиб ишлаганини ва ўша пайтда 10 килограмм портловчи модда, 20 дона детонатор ўғирлаб олиб, шунча вақтдан буён шахсий гаражида сақлаганини бўйнига олди.

Агар Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлинмаси сезгир йигитлари бу жиноятни ўз вақтида фош этмаганларида, оқибати нима билан тугаши мумкин эди?!

Ҳозир улар устидан жиноят иши қўзғатилиб, барча «олди-берди»лар ипидан-игнасигача ўрганилаяпти.

Наиля Қирғизбоевани ҳам Ўзбекистонга Салима Шамсуддинова етаклаб келган. Илгари таниш бўлган бу аёллар 1998 йил 28 январ куни учрашиб қолишади. Наиля ўзида катта миқдорда «опий» гиёҳвандлик моддаси борлигини айтади. Ангренда анча-мунча таниши борлигини айтар экан, Салима уларни сотиб бериши мумкинлигини айтади. Улар эртасигаёқ «Бекобод-Ангрен» автобусида Ангренга етиб келишади. Таксида кетиш жараёнида унинг ҳайдовчиси Вадим Казаков билан танишиб олишади. Вадим бир зумда уларнинг ҳамтовоғига айланади. Уларни уйига олиб боради. Лекин бу «ҳамкорлик» кўпга чўзилмади. «Тадбиркорлар»ни 1998 йил 3 феврал куни милиция ходимлари ашёвий далиллар билан Вадимнинг уйида қўлга олишди. Ўлчанганда «мол» 750 грамм чиқди. Табиийки, буларнинг барчаси устидан жиноий иш қўзғатилиб, тегишли суриштирув ва судлов идораларига ошириди.

Биз ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари турли жиноятларни туридан қатъий назар фош этишдан толмаймиз, албатта. Аммо бир инсон сифатида ҳуқуқий онгнинг саёзлиги оқибатида содир этилаётган жиноятларда ёшларнинг борлигидан, айниқса, аёлларнинг бундай жирканч йўлларга кириб қолаётганларидан ташвишга тушамиз. Бу ниҳоятда ачинарли ҳолдир. Ахир, унча башанг бўлмаган, одмигина кийимда ҳам, кўп эмас, эл қатори қозон қайнатиб ҳам суюкли ёр, меҳрибон она, қўли гул-чевар уй бекаси бўлиши мумкин-ку!

Инсоннинг тақдири у қаерда яшамасин, аввало, унинг ўз қўлида. Одам боласи ўз бахтини фақат ҳалол меҳнат билан, сабр-қаноат билан, сабот билан яратиши мумкин.

Аёллар йилида олиб бораётган барча ташкилий-тарбиявий ишларимиз ўз самарасини беришидан умидворлиз. Зеро, ҳаётимизнинг том маъноси ҳам ана шунда.

Миродулла МИРВАҚУЛОВ, Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги

Munosabat

ИШОНЧИМИЗ МУСТАҲКАМ

Мустақилликнинг ўтган 7 йили давомида республикамизда улуғвор бунёдкорлик ишлари бир лаҳза ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Кун сайин шаҳар-қишлоқларимизнинг кўркига кўрк қўшилаётир. Заҳматкаш халқимиз Президентимиз бошчилигида чинакам яратувчилик меҳнатига бел боғлаган. Бунга барчамиз гувоҳмиз.

Ҳамма ишларимиз мутлақо тўғри, ҳамма нарса етарли, ҳеч бир камчилигимиз йўқ, деб айтолмаймиз, албатта. Қийинчилик бор, улар ҳамиша бўлади. Энди ҳар бир фуқаро боқимандалик кайфиятини унутиб, янгича фикрлашга, ишлашга ўрганиши керак. Ҳеч ким қийинчиликсиз мақсадига эришолмайди. Ҳозирги давр талаби шуки, ҳар ким илм ва ҳунарни чуқур ўргансин, ҳалол меҳнат қилсин. Шунда у албатта фаровон турмуш кечиради.

Юртимиздаги тинчликни, осойишталикни кўролмайдиган ҳасадгўй кимсалар Президентимиз олиб бораётган ижтимоий адолат, тенглик ва тинчлик сиёсатига номардларча қарши чиқдилар. Биз бунга «Гуруч курмаксиз бўлмайди», деб шунчаки, эътиборсиз қарамаслигимиз керак. Аксинча, Президентимиз атрофида янада жипслашиб, мустақиллигимизнинг бундай душманларига қарши курашмоғимиз лозим.

Юртбошимиз «Туркистон-пресс» агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларида бу қўпорувчилик дин ниқоби остидаги ёлланган бузғунчиларнинг иши эканлигини жуда тўғри таъкидладилар. Айниқса, Президентимизнинг чинакам мўмин-мусулмонлар, ҳар бир амал-ибодат чоғи Худодан Ватанимиз тинчлиги, равнақи, истиқлолимиз боқийлигини тилаб дуо қилаётган юртдошларимиз ҳақидаги дил сўзлари халқимиз қалбида кучли акс-садо берди. Чиндан ҳам дин ниқобини кийиб, ёшлар онгини заҳарлаш, ҳокимият учун интилиш, бегуноҳ одамларнинг қонини тўкиш, халқнинг тинч ҳаётига ғулғула солиш, унинг келажакка бўлган ишончини йўқотишга уриниш на динга, на ҳақиқатга, қолаверса, Оллоҳ азиз қилиб яратган оддий инсонликка ҳам тўғри келмайдиган пасткашликдир.

Феврал воқеалари халқимиз учун катта бир синов бўлганини чуқур англашимиз ва ҳар доим огоҳ бўлишимиз, ҳар бир ишга онгли равишда ёндашмоғимиз лозим. Ишончим комилки, жуда оғир дамларда ўз она тупроғини, Ватанини мардона ҳимоя қилган, имон-эътиқодини пок сақлаб қолган халқимиз янада сергак янада аҳил-иноқ бўлиб, тинчликнинг, мустақиллиқнинг қадрини тобора теран англаб етишга, келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир. Бунинг учун ҳар биримиз шу азиз Ватаннинг фидокор фарзандлари бўла олишимиз, февралдаги нохуш воқеаларнинг қайта такрорланишига асло йўл қўймаслигимиз керак.

Ўрол УТАЛОВ, Республика юристлар малакасини ошириш Марказининг катта методисти

Osoyishtaligimiz posbonlari

ЖАСОРАТ ДАВОМ ЭТАДИ

Янги йил арафаси эди. Чилонзор туманининг «Тошкент» шоҳбекати ёнида Тошкент шаҳар ИИББ жамоат тартибини сақлаш бошқармаси катта инспектори, милиция катта лейтенанти Ортиқ Маҳмаюсупов бошчилигидаги милиция ходимлари А.Сафаров, И.Тугалов, Ф.Бўронов, Т.Обилов, М.Ориповлардан иборат гуруҳ «Тўсиқ» тадбири чоғида шубҳали икки кишини тўхтатишди. Текшириш чоғида ушбу шахсларнинг бири ёнидан «РГД-5» русумли жанговар граната чиқариб, халқасини суғурди-да, милиция ходимларига пўписа қила бошлади. Жиноятчининг ҳамроҳи қўлга олинган эди. Бироқ шериги қайсар чиқиб қолди, у ўзининг ёлғизлигини, бу дунёда йўқотадиган нарсаси йўқлигини, Чеченистонда жангларда қатнашганини айтиб, ўдағайлашга ўтди. Ногоҳ у милиционерларнинг қатъий талабларига қарамай, гранатани автобус салонига отиб юборди. Портлаш шу ерда бўлган милиция ходимларини турли томонларга улоқтириб ташлади. Автобус ойналари чилпарчин бўлди. Милиционер Мирсалим Ориповнинг ўнг оёғи ва қўли жароҳатланди.

Жиноятчи елкасига граната парчаси текканига қарамай, автобус ойнасидан чиқиб қоча бошлади. Бироқ осойишталик посбонлари уни тезда қўлга олишди.

Аниқланишича, жиноятчиларнинг бири Чеченистон Республикасида яшовчи Т.М. ва Зангиота туманида истиқомат қилувчи фуқаро Ғ.К.лар экан.

Ортиқ Маҳмаюсупов яхши милиция ходими, айни пайтда дурустгина журналист ҳам. Бир вақтлар «Постда» газетасида хизмат қилган. О.Маҳмаюсупов бошчилигидаги гуруҳ янги йил арафасида катта бир жиноятнинг олдини олишга муваффақ бўлди. Воқеадан тўрт кун бурун шу ерда шахсини аниқлаш мақсадида икки кишини тўхтатишганди. Текширув жараёнида аниқланишича, Ихтиёр исмли бу шахс ўғрилик жиноятини содир этиб, қидирувда юрган экан. Шериги Анвар исмли шахснинг ён чўнтагидан бир дона «Макаров» тўппончаси ва унинг овоз пасайтиргич мосламаси топилди.

Дарвоқе, воқеадан кейин уч-тўрт кун ўтгач, яна «Тошкент» автовокзалида ушбу гуруҳ томонидан шубҳаланиб Андижон вилоятида яшовчи 1946 йилда туғилган Қ.М. исмли шахс ушланганда, унинг қўл сумкасидан 10 нусхада босилган халқни чалғитувчи диний даъватнома топилиб, ушбу шахс Чилонзор тумани ИИБга келтирилди.

Исмоил ШОМУРОДОВ, милиция капитани

СУРАТДА: Шайхонтоҳур тумани ИИБ милиционери, милиция сержанти Исомиддин Тугалов, Юнусобод тумани ИИБ милиционери, милиция сержанти Фурқат Бўронов, Тошкент шаҳар ИИББ қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаси милиция сержанти Абдурауф Сафаров ва М.Улуғбек тумани ИИБ милиционери, милиция кичик сержанти Толлибой Обиловлар навбатдаги тадбирга отланишмоқда.

Муҳаммад АМИН олган сурат

«АЁЛЛАР ЙИЛИ» ОҒУШИДА БИТИЛГАН

Ҳурматли таҳририят! Мен мамлакатимиз равнақи йўлида умрини бағишлаб келаётган бир фуқароман. Фашизм балосига қарши ҳам курашганларданман. Сўнг узоқ йиллар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилдим. Хотиним билан 7 та ўғил, 4 та қизни туғиб, қаҳрамон она бўлдим. Тасодифлар туфайли ўғлим нўпок йўлга кириб қолиб қамалди... Ердам беринг, мен муштипар онага!

(Ортиқвой деган йигитнинг «Инсон ва қонун»га ёзган шикоят хатидан)

Chimdim hazil

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ортиқвой ака! Кенной-имнинг тафтидан қизишиб кетиб, қаҳрамон оналикни ҳам ўзингизга «ёзиб» юборганингизни тушунамиз. Ҳечқиси йўқ, ахир Аёллар йили-да! Ўғлингизнинг иши юзасидан эса ҳақ-ноҳақликни ойдинлаштириш учун шуғулланаяпмиз. Соғ бўлинг опахон, э, кечирасиз, окахон!

Ijro mas'uliyati

ХАЛҚНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛИ

Халқимиз ўтмишда партиянинг якка ҳокимлиги иллатини кўп кўрган. Милиция ёки суд эмас, ҳатто прокурор ҳам унинг олдида итоат қиларди. Ишнинг бу тутими охир-оқибатда баъзи идораларнинггина эмас, бутун бошли «енгилмас» тузумнинг ўзини ҳам жарга қулатди. Ана сизга яккаҳокимлик ва назоратсизлик оқибати.

Давлат сиёсат ва бошқарув қуроли. Прокуратура эса унинг энг муҳим назорат бўғини. Унинг мақсад, вазифа ва ваколатларини тўғри англамоқ керак. Ҳаётнинг оддий бир ҳақиқати ҳам бор. Кўп кишилар ўзаро жиққамушт бўлаётган икки нокасни кўриб, ўзларини четга олишади. Эл мулкини арра қилаётганларга дуч келишса, «э, бор-е», дея қўл силташади. Хўш, бу сингари иллатлару қаланғи-қасанғилар додини халқимизнинг ваколатли вакили - прокуратурадан бўлак ким беради?

Яқинда шаҳримиз ва туманимиз ҳуқуқ-тартиботи ва назорат идораларининг бир йиллик фаолиятини ана шу маҳкамаларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаши мажлисида атрофлича қараб чиқдик.

Камчилик ва нуқсонлар анчагина топилди. Кўплар қонунни кўрабила туриб бузгани диққат марказида турди. Аммо унинг ижросини ўзларининг ваколат доирасида назорат қилмоғи зарур идораларнинг масалага панжа орасидан қарашганини ҳечам ҳазм этолмадик.

Эл бойлигини муқаддас деймиз. Халқимиз уни ёмон кўзлардан доимо сергаклик ва зийраклик билан асрашимизни талаб этаяпти. Зеро, оддийгина кўзбўямачилик ёки орттирилган қарзларнинг муддатида тўланмаганлиги оқибати пировардида ўнларча, юзларча кишини ризқ-насибадан маҳрум этади. Таассуфки, ўтган йили иқтисодиёт бобидаги қонунбузарлик ва ҳуқуқбузарликларга ҳийла кўп дуч келдик. Чунончи, 1998 йилнинг 1 январ ҳолатига жами 3,2 миллиард сўмликни ташкил этган кирим (дебиторлик) қарзлари, йил охирига келиб, 4,4 миллиард сўмликка етди. Чиқим (кредиторлик) қарзлари ҳам йил мобайнида тўхтовсиз ўсиб, 2,8 миллиард сўмдан 3,9 миллиард сўмга кўпайди. Муддати ўтган қарзлар ҳам парвозни баланд олди. Ўзларининг айби билан юзага келган бу салбий ҳолатга мутасаддилар табиийки эътибор беришмади. Бироқ уни кўра-била туриб бартараф этиш чорасини изламаган тегишли банк ва солиқ идораларининг фаолиятини қониқарли санай оламизми? Бундай вазиятда прокуратуранинг ҳам қўл қовуштириб ўтириши тамоилданми? Мана кўринг, ўзаро қарздорлик масаласи бўйича ўтган йили банклар томонидан атиги иккита масала солиқ инспекциясига тақдим этилган. Солиқ инспекцияси бўлса таъсирчан чора-тадбирлардан ожиз қолган. Айни вазиятда прокуратура масалага бошқача кўз билан қаради. Йил давомида қарздорликдан бели букилган идоралар ва уларнинг боқибеғам раҳбарларига нисбатан 22 та тақдимнома, 5 та амрнома уюштирилди. 15 нафар мансабдор киши огоҳлантирилиб, 2 нафарига интизомий, 21 нафарига маъмурий жазо берилди. 3 та жиноий иш қўзғатилди. Башарти, Хива паррандачилик корхонаси раҳбарлари томонидан йиллар мобайнида ундирилмай келган 254 минг, Автомобилсозлик ҳиссадорлик жамияти «ёшулли»ларига чивин чаққанчалик таъсир этолмаган 1 миллион 772 минг, тумандаги якка тартибда ва ширкат усулида уйжой қуриш бошқармаси мутасаддиларини пинак уйқусидан уйғотолмаган 39 миллион сўмлик тўловлар, муддати ва муҳлатида чўнтакка кирганида қанчадан-қанча жамоаларнинг гирибонидан олган ночорликлар ортга чекиниб, прокурорлик таъсирчораларига ҳожат қолмаган бўлурди.

Хива шаҳридаги «Хоразм» меҳмонхонаси директори Бахтиёр Оллаёров ва Амударё сув ҳавзалари бирлашмасига қарашли савдосотиқ базаси директори Болта Ражабовлар эса элнинг мўътабар урфи «ҳисобли дўст айрилмас» нақлини оёқ ости қилишди. Улар саноат-қурилиш банкининг Хива бўлимидан қарз олгунча раҳбарларнинг енгидан кириб, ёқасидан чиқишди, ваъдаларни мисқоллаб эмас, қоплаб беришди. Муддаога етишгач эса «сичқоннинг инини ижарага олишди». Прокуратура олдисини олиб, бердисига келганда жуфтакни ростлаган субутсиз «ёшулли»ларнинг ҳовурини босиб қўйди. Ҳар иккала ташкилот томонидан олинган 14,6 миллион сўмлик банк кредити ғазнага қайтди. Қасамига хиёнат қилиб, қарзини унутган раҳбарлар тегишли жазо олдилар.

Туманимизда бир йўла 2 та жамоа хўжалиги давлат санация рўйхатига тушгани боис уларнинг фаолиятини ҳам синчиклаб кузатдик. Шу ўринда бир нарсани эслатмоқ жоиз. Санация барбод этилган иқтисодиётни тиклаш соҳасида жамоаларга берилган улкан имконият. Аммо давлатимиз ва унинг ғазнаси учун кони зарар. Бунда эл-юрт ризқига чанг солиб, иқтисодиётни жарга қулатганларни аниқлаш қонун назорати маҳкамаларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ана шуларни назарда тутиб, давлат санация рўйхатидан жой олган ал-Хоразмий ва ал-Беруний номидаги жамоа хўжаликларида тегишли тафтиш тадбирларини ўтказдик. Натижада қатор суиистеъмолликлар аниқланиб, ҳар иккала жамоа хўжалигининг бир қанча мансабдор шахслари ва раҳбарларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Иқтисодиёт бобидаги қонунбузарликларнинг муайян қисми қишлоқ тадбиркорларига нисбатан муносабатларда намоён бўлаяпти. Ҳосил, маҳсулот ва самаранинг мўлини деҳқон-фермер хўжаликларигина бера олишини ўтган йиллар мобайнида ҳаёт яққол исботлади. Президентимиз ва ҳукуматимиз тадбиркор деҳқон-чорвадорларга эътибор ҳамда мурувватни тинимсиз кучайтираётгани ана шундан. Бироқ туманнинг айрим раҳбарлари давлатимиз ғамхўрликларини мулкнинг қўлдан кетиши қабилида тушунишаётганига шак-шубҳа йўқ. Акс ҳолда туман ҳокими қарорига кўра Р.Мадаминов номли жамоа хўжалиги ҳудудидан «Ота-Жуманиёз» фермер хўжалигига ажратилган 20,7 гектар экинзорнинг 6,6 гектари туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг оғзаки буйруғига биноан олиб қўйилмаган бўлурди. Бундан ҳам тааж-жубланарлиси, тортиб олинган мазкур экинзорнинг на жамоа хўжалиги ер майдонлари зақираси, на ҳисоботларга киритилмаганлиги. «Ота-Жуманиёз» фермер хўжалиги ўз қарамоғидаги қорамоллар сонини ҳозир 95 бошга етказди. Эл манфаатини ўйлаган раҳбар фермернинг ерига ер қўшилмоғига имкон яратмоқ даркор эди. Қани айтинг, эл ризқини оширишга ҳаракат қилаётганларни чалиб йиқитишнинг бундай ғаройиб усули кашфиётчиларини энди ким деб атамоқ керак? Текширишлар чоғида мавжуд фермер хўжаликларига туман бўйича меъёридан 258 гектар ер кам ажратилганлиги аниқланди ва шу юзадан ҳокимликка тегишли тақдимнома йўлланди. Умуман, туманда чорвачиликнинг аҳволи кишида ташвиш уйғотади. Аниқланган фактларга қараганда, ўтган йили туман хўжаликлари бўйича қорамоллар сони аввалги йилдагидан 114 бошга, сигирлар сони 128 бошга камайиб кетган. Паррандалар сони ҳам кескин озайган.

Бу сингари камчилик ва нуқсонлар, қонунбузарлик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари прокурорлик назорати давомида кўплаб учради. Аммо унинг бир жиҳатидан қаноат ҳосил қилса бўлади. Қонунлар назорати чоғида аниқланган хато ва қусурларнинг аксарияти бугунга келиб тўла бартараф этилди. Булар оқибатида рўй берган иқтисодий ўпирилишларнинг ўрни тўлдирилди, миллион-миллион сўмлик маблағлар жойига қўйилди.

Қурбондурди НУРМАТОВ,
Хива шаҳри ва тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси

ҲАР ЙИЛГИДАН ШУКУҲЛИ ЎТДИ

Havro'z shukuxi

Хоразм вилоят ички ишлар бошқармасида ҳам баҳор ва нафосат байрами Наврўз катта шодиёналик билан нишонланди.

Ички ишлар идораларида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, нафақага чиққан фахрийлардан саксон нафарга яқини бошқарма томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Совғаларни бошқарма раҳбарлари нафақахўрларга элтиб топширишди. Бемор фахрийлар холидан хабар олинди.

Хизмат бурчини бажараётиб ҳалок бўлган ходимлар оилаларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Анъанага мувофиқ байрам арафасида бошқарма оталиққа олган Хива шаҳридаги 20-сон «Меҳрибонлик уйи»га ва 97-сонли мактаб-интернатга бошқарма раҳбарияти ташриф буюриб, уларни байрам билан қутлашди. Ҳар бир муассасага йигирма беш минг сўм пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳадя қилинди.

Наврўз тантаналари бошқарма қошидаги шифохонада ҳам катта шодиёналик билан нишонланди. Бу ерда сумалак пиширилди, байрам дастурхони тузатилди.

Хизмат вазифасини ҳалол ўтаётган бир гуруҳ ички ишлар ходимлари вилоят ҳокимлиги ва бошқарма маъмуриятининг мукофотларига сазовор бўлдилар.

Саъдулло БОБО

Суратларда: байрам тантаналари ва тадбирлардан лавҳалар акс этган.

Qilmish-qidirmish

ТАГИ ТЕШИК КЎЗА

Светлана Пряникова Фарғона вилоят овчилар ва балиқчилар жамиятининг бош ҳисобчиси бўлиб иш бошлаган кунданоқ димоғи кўтарилиб, бойиш пайига тушиб қолди. «Амални ҳеч кимга боғлаб бергани йўқ, давр келдими, ундан фойдаланиб қол» қабилида иш бошлаб юборди.

У ўзининг фаолиятида аввало бошлиқларининг хулқ-атворини, иш юргизиш қобилиятини «чуқур» ўрганар, ўз ҳисобига фойдали бўладиган жиҳатларини қидириб топарди. У бошқарув раиси Т.Убайдуллаевнинг қўл остига келиб, ишлай бошлаганда ҳам ўзининг шу тажрибаларига таянди. Бошлиғининг ички дунёсини тез ўрганиб олди.

Унинг ишга талабчанлик, ҳушёрлик, қолаверса, кирим-чиқимлар ҳужжатларига бироз эътиборсизлигини пайқади. Раҳбарнинг бу камчилиги Пряниковага жуда қўл келди. Энди «ишга» тушиб кетса бўлади. Мижозлар келиб туришибди, илтимос қилувчилар кўп. Шундай бўлгач, нега..? Тушиб турган майда «совғалар» уни қаноатлантирмай қўйди. Иштаҳаси очилиб, ошқозони тошни ҳам ҳазм қилиш даражасига етган бир пайтда Ўзбекистон тумани овчилар жамияти раиси А.Тошматов «ов мавсумини бошлашга» рухсат сўраб, 3500 сўмни кўтариб келиб қолди. Ҳисобчи «истамайгина» санаб, «жамият кассасига қабул қилинди» деб, қалбаки ҳужжат ёзиб берди-да, ўз ҳамёнига урди. Нима кўп, шаҳар, туманларда овчилик жамиятлари, қолаверса, ўзининг саховатини аямайдиганлар кўп. Улар битта «бошбух»нинг нафсини қондира олмасалар, нима қилиб юришибди, елкасига милтиқ осишиб? Мана Тошматов, бошқаларга ўхшаб пул тўғрисида ҳужжат сўрайвермайди. Пряникова ундан тўрт марта жами 15997 сўм олиб, кассага кирим қилмасдан ўз ҳамёнига жойлаб юборди.

Худонинг куни кўп экан, ҳали у тумандан, ҳали бу шаҳардан овчилар - жамият раисларидан тортиб, назоратчиларгача «бошбух» ҳузурига келишади. Ҳар биридан... аммо содиқ, тили маҳкам ёрдамчи керак! У ғазначи Н.Понамарёвани танлади.

Шундай қилиб, кўлами катта, «чўғли» ишлар бошланиб кетди. Аммо ҳамма пул топширувчилар ҳам «Тошматов» эмас экан. Баъзилар ҳақ-ҳуқуқларини суриштиришар, топширилган пулларга ҳужжат талаб қилишарди. Бошбух янги усул ахтарди. Масалан, «Сариқамиш» ов хўжалиги назоратчиси К.Маҳкамов топширган 65320 сўмнинг 26540 сўмини кассага кирим қилиб, 38780 сўмини ғазначи билан «арра»лашди.

Шу усул билан Боғдод туман Овчилар жамияти раиси М.Абдуллаевнинг 1997 йил сентябр ойида топширган 19930 сўм аъзолик бадалларининг 6000 минг сўмини ҳам жиғилдонга урдилар. Улар борган сайин қутуриб боришаверди.

Ҳатто иш шу даражага бориб етдики, вилоят овчилар жамиятининг ҳисоб-китоб чеклари бўйича «Пахтабанк»дан олинаётган пул маблағларининг бир қисми кирим қилинмай ўзлаштириб юборилди: чек билан олинган 37156 сўм икки дугона томонидан бўлиб олинди. 1997 йил январдан 1998 йил мартигача 432 минг сўмдан зиёд пул бемалол улар томоғидан ўтиб, ҳазм бўлиб кетди.

Аммо қинғир ишнинг қийиғи барибир чиқар экан. Вилоят прокуратураси тергов бўлими ходимлари икки дугонанинг ҳолидан хабар олгани келишганда ғазначи қочиб кетди, бош ҳисобчи судга топширилди. Суд эса уни 9 йилга озодликдан маҳрум этди.

М.ФОЗИЛОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси тергов бўлими

РУХСАТНОМАНГИЗ БОРМИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

сўраб кўрайликчи... кейин бир гап бўлар, – дедида Фурқат Ҳотамов хизмат машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Туман марказини айланиб, айтилган вақтда қабулхонага бордик.

- Кечирасиз, мақола тайёрлаш учун кимдан рухсат олишимиз керак эди? – сўрадик ундан.

– ...

Савол жавобсиз қолди. Маълум бўлишича, Ф.Ҳотамов иккинчи мутахассислик бўйича Тошкент Давлат юридик институтининг 4-босқич толиби экан. Демак, қонунчилигимиздан ҳам яхши хабардор бўлсалар керак деган илинжда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар билан танишмисиз дея сўрадик. У кишининг жавоблари шундай бўлди:

- 1996 йил 8 августдаги, 1998 йил 19 ноябрдаги фармонларга биноан корхоналарни текширишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бунинг учун ана шу фармонларда назарда тутилган «Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши»дан рухсатнома олиб келишингиз керак.

- Биз бу фармонларда журналист фаолиятини чеклашга қаратилган бирорта банд йўқлигини, аксинча, Президентимизнинг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги фармонида журналистлар зиммасига бу ишни тарғиб этиш ва камчиликларни ёритиб бориш масъулияти юкланганлигини тушунтирдик. Яна фойдаси бўлмади. Мазкур Фармонда «Ўзтелерадио», оммавий ахборот воситалари хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ишларини ўтказиш қоидаларини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенг тушунтириб берсинлар, шунингдек, назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини бузиш фактларини ёритиб борсинлар» деб аниқ-тиниқ ёзиб қўйилганидан наҳотки Ф.Ҳотамов бехабар бўлса?

Биз Боёвутда қайта нархланган иншоотлардан ҳамда улар ижарасидан давлат хазинасига келиб тушаётган тушумлар тўғрисида маълумот олиш, бу масалага оид тегишли идора ва шахсларнинг фикрларини, ютуқ ва муаммоларни холис ўрганиш ниятида эдик. Маълумки, солиқ тизимини яхшилашда тўсиқ бўлаётган муаммолардан бири – ташкилотчилик замон талаблари даражасида эмаслигидадир. Биз журналистлик ҳуқуқимиздан фойдаланиб Боёвут тумани мисолида шу масалани мутахассислар билан ҳамкорликда холис ўрганмоқчи эдик. Аммо туман солиқчиларининг раҳбари: «Текширишга сизларнинг ҳаққинглар йўқ» деб икки оёғини тираб туриб олди. Ф.Ҳотамовга ўхшаган «қонунни яхши билувчи» қоғозбоз, тўрачилик кайфиятига берилган раҳбарлар бу билан ўз ишларидаги пала–партишлик ва юзакичиликни яширмоқчи бўладилар.

Начора, раҳбарнинг етарли ҳуқуқий билим ва савияга эга эмаслигини сезгач, матбуот учун барча идораларнинг эшиги очиқ бўлиши лозимлиги демократик жамиятнинг асосий шартларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтирмадик ва у киши билан тезгина хайрлашдик.

Президентимиз айтганларидек, биз фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан курашаверамиз. Демократик жамиятда матбуотнинг эшиги барчага баробар очиқдир.

Маҳмуд БЎРОН,
Нурмамат АЛМУРОДОВ,
«Инсон ва қонун» мухбирлари

Uchrashuv

ҒАНИМАТ ДАМЛАР ШУКУҲИ

Ўлкамизда кўклам тантана қилиб турган шу файзли-баракотли, ғанимат кунларда «Ҳаёт ва қонун» журналининг янги 3-сони ҳам босмадан чиқди. «Шамолдек айланиб ўтаётган фаслларга боқиб инсон абадиятни бор бўйи билан ҳис этади, умр деганлари нечоғлик ўткинчи эканлигига иймон келтиради. Ғанимат дамларнинг қадрига етмоқ, вақтнинг ҳар дақиқасини кўзларга суртмоқ иштиёқи жўш уради қалбларда. Ҳаёт отлиғ неъмат янада теран, янада улуғвор тус олади. Унга фақат энг эзгу аъмоллари билан эш бўлиши мумкин одамзот» дейилади журнал муқаддимасида босилган илк мақолада.

Дарҳақиқат, ниҳоятда улуғвор ва ниҳоятда мураккаб ҳаёт қонуниятлари олдида инсон ақли ожиз. Кимдир ҳаётдан, яшашдан асл маъни шу беш кунлик дунёда муносиб ном қолдириш, эзгу, хайрли ишлар қилиб, келгуси авлодларга ибрат бўлишда деб билса, кимдир аксинча, ўз ҳою ҳаваслари, қорин ташвиши-ю, ҳар қандай қабиҳликдан қайтмаган ҳолда бойлик тўплашни афзал кўради. Албатта, башариятнинг асосий қисмини биринчи тоифа инсонлар ташкил этганлиги боис ҳам ҳаёт некбинликка, ишонч ва ғўзалликка уйғун. Журналнинг мазкур сонида ҳам чин инсонга хос яшашнинг турфа йўллари баён этилган донишмандларнинг ҳикматли сўзлари берилган. Жумладан, бобокалонимиз, шон-шуҳрати Мағрибу-Машриққа кенг ёйилган, дунё фанига, маданиятига ўзининг теран илмий ва ғўзал бадиий асарлари билан беқиёс ҳисса қўшган аллома Абу-л Қосим Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Нозик иборалар» рисоласидан парчалар ўқийсиз. «Ёки илмли бўл ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан» дейилади ҳикматларнинг бирида. Ушбу доно фикрлар янгича яшаш, янгича тафаккур тарзи кенг тарғиб этилаётган бугунги жараёнда ўз салмоғи, оҳорини йўқотмаганлиги билан ҳам қадрлидир.

Истиқлол туфайли маданий меросга, динга муносабат тубдан ўзгарди. Маданий меросимизнинг биздан яширилган, нотўғри талқин қилинган бебаҳо намуналари билан бирга диний қадриятлар ҳам том маънода халққа қайтарилди, бунга тегишли қонун қабул қилинди. Бироқ мустақиллик қўлга киритилгандан буён ўтган давр аҳолининг бир қисмининг ҳуқуқий савияси ва маданияти ҳали анча пастлигини кўрсатди. Эътиқод эркинлигини, айримлар ўта бир томонлама - атиги диндор бўлиш мажбурияти, деб тушундилар ва ҳатто «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга зид хатти-ҳаракат йўлига ўтдилар. Баъзи ёшлар ва илми саёз кишилар орасида, биринчи навбатда, ташқи диний таргибот таъсирида диний мутаассиблар пайдо бўлмоқдаки, бу мамлакат келажагини ўйлайдиган ҳар бир кишини, шу жумладан, ҳақиқий диндорни ҳам ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Таниқли олим Абдураҳим Эркаев «Эътиқод эркинлиги ва мустақиллик» деб номланган мақоласида шулар хусусида атрофлича сўз юритади.

Жамоатчилик фикрини аниқлаш ва қонунчиликни такомиллаштириш ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришнинг муҳим шартларидандир. Олима С.Юсупова «Жамоатчилик фикри» мақоласида ҳозирги босқичда назариянинг амалиётга таъсирчанлигини кучайтириш имконини берувчи социологик тадқиқотнинг афзаллик томонларини ёритиб беради. Зеро, қонунларимизнинг ҳаётийлиги, ҳуқуқ нормасининг самарадорлигини ўрганиш ва ишлаб чиқиш ҳуқуқшуносликнинг фанининг истиқболли йўналиши ҳисобланади.

Мазкур сонда ҳам аввалги анъаналар давом эттирилган ҳолда мавзулар ранг-баранглигига катта эътибор қаратилган. «Қайтар дунё» (Қ.Эгамберидев), «Хумор хумориман» (М.Бўрон), «Тузоқ» (А.Отажонов, А.Собиров) сингари мақолаларда кундалик турмушимизда учраб турадиган баъзи номақбул воқеалар қаламга олинган ва ҳар қандай шароитда ҳам эгриликнинг охири вой эканлиги, одамийликнинг асоси бўлмиш тўғрилик, самимият, ҳалоллик каби хислатларни қадрлаш лозимлиги таъкидланган. Шунингдек, ушбу сонда адабиёт, детектив саргузашт ихлосмандлари «Қон изи» қиссасининг давомини мириқиб ўқишлари мумкин. Журналимизнинг ҳали сиёҳи қуримаган янги сони билан танишув кўп минг сонли муштарийларимиз учун мароқли бўлади, деган умиддамиз.

ТАҲРИРИЯТ

Tibbiyot

ХОДИМЛАР СОҒЛИҒИ – ХИЗМАТ СОҒЛОМЛИГИ

Маълумки эл саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик жамият тараққиёти даражасидан далолат берувчи муҳим омиллардан биридир. Шу боис ҳам мамлакатимизда бу борада юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатни сезиб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Ана шу кенг кўламли ишлар жумласида ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларининг жисмонан соғломлигига қаратилаётган эътиборни таъкидлаш жоиз. Айниқса, – кечасию кундузи, ҳар қандай об-ҳавода оёқда, халқ орасида, хизматда бўладиган милиция ходимларига, уларнинг оила аъзоларига мустаҳкам соғлиқ зарур.

Бу борада Самарқанд вилоят Ички Ишлар Бошқармаси тиббиёт бўлими томонидан махсус дастур ишлаб чиқилган. Жумладан, унда деярли барча туман ички ишлар бўлимлари ходимлари орасида қорин-тифи каби юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида ташкилий-услубий ва консултатив ишлар кучайтирилиши назарда тутилган. Бу ишларни жадаллик билан амалга оширишда вилоят ички ишлар бошқармаси тиббиёт бўлими санитария-эпидемиология бўлинмаси мутахассислари шахсий таркиб ва уларнинг оила аъзоларини юқорида қайд этилган касалликнинг олдини олиш эмлаш ишларини бошлаб юборди. Бу тадбирда Ички ишлар вазирлиги тиббиёт бошқармасининг ёрдамини ҳам сезиб турибмиз.

Биз соғлиғимиз учун жонкуярликда самимий ишлаётган ички ишлар бошқармаси тиббиёт бўлими катта инспектори Собир Жўраев, СЭС бошлиғи М.Каримов, эпидемиолог-врач Р.Алибоев, тиббиёт ҳамшираси Светлана Шехолаевалардан беҳад миннатдормиз. Яқинда Булунғур тумани Ички ишлар бўлимида бўлиб ўтган маърифат дарсида туман ИИБ ходимлари ўзларига ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатилган тиббий хизмат ва ғамхўрликлар учун ҳукуматимизга, республика ва вилоят ички ишлар хизмати раҳбариятига ҳамда тиббиёт ходимларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди. Зеро, ходимлар соғлиғи, соғломлик - соғлом хизмат омилидир.

У.ҚОДИРОВ,
Самарқанд вилоят Булунғур тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция капитани

САЙИЛГОҲ ГУРУНГЛАРИ

Eshitmadim demanglar!

БЎРДОҚИ ҚЎЧҚОР... ЭГАСИНИ ТОПДИ

Ушбу хушхабар мамлакатимиз пойтахтида бошланиб, ўлкамизнинг ҳар бир вилоят, шаҳар, туман ва маҳаллаларида давом этаётган Наврўзи олам шодиёналарига қўшилиб келди. Буни олис Қашқадарёдан соврин — бўрдоқи қўчқорни олиб келган, топишмоқ-савол муаллифи Эшмамат Абраевнинг Бирлашган таҳририятимизга ташрифидан билдик.

- Тан олишим керак, газетларингизга жавоб йўллаганларнинг кўпчилиги топишмоқни мантиқан тўғри топишган. Аммо газетанинг 1998 йил 6 декабр сонида босилган жиззахлик Бахтиёр Улуғовнинг жавоби булар ичида энг мукаммали экан, — деб гап бошлади Эшмамат ака саломаликдан сўнг. — Ваъдага биноан қўчқорни олиб келдик. Ғолибни чақиртирсанглар, совринни ўз қўлига топширсак...

Байрам кайфиятидан сармаст, оёқ-қўли чаққон ходимларимиз эртаси куни топишмоқ-савол ғолиби, «Ўзгўштсутсаноатаудит» фирмаси аудитори Бахтиёр Улуғовни топиб, таҳририятга бошлаб келишди.

Қисқагина танишувдан сўнг Бирлашган таҳририят Бош муҳаррири, таниқли ҳуқуқшунос-ёзувчи Файзулла Қиличев савол-топишмоқ муаллифи Эшмамат Абраевга — газетамизнинг яқин ҳамкор ва ҳамфикр муштарийсига ўз миннатдорчилигини изҳор этди. Топишмоқ-танлов ғолиби Бахтиёр Улуғовни қутлаб, унга таҳририят фахрий ёрлиғини топширди. Фурсатдан фойдаланиб Эшмамат ака «гулдурос» қарсаклар остида «соврин»нинг арқонини ғолибнинг қўлига тутқазди.

Хурсандлигидан оғзи-қулоғига етган танловнинг мутлоқ ғолиби Бахтиёр Улуғов барчани баҳорнинг илиқ кунларидан бирида бўрдоқи қўчқор думба-гўштларидан солиб дамланажак паловхонтўрага таклиф этди.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) ютуқ эгасига Бош муҳаррримиз Файзулла Қиличев Фахрий ёрлиқ топшираяпти.

Энг пастдаги суратда топишмоқ муаллифи Эшмамат Абраев қўчқорни Тошкентга олиб келган пайт.

Ушбу тадбиримизни минглаб пойтахтликлар олқишлашди.

Bir topishmoqqa bir she'r

ЎЛАН

Сой-сой қамиш,
сой қамиш,
Сойлар тўла гул қамиш.
Кел даврага, ёрижон,
Белбоғ бўлар шул қамиш.

Имо қилиб ўйнанг ёр,
Ҳимо қилиб ўйнанг ёр.
Кўзингга кўзим тушди,
Севгимдан ясай тумор.

Боғлар тўла гунафша,
Дилим-дилингга ошна.
Ўйнатма кокилингни,
Жамолингга мен ташна.

Сой-сой қамиш,
сой қамиш,
Сойлар тўла гул қамиш.
Кел даврага ёрижон,
Бўйра бўлсин шул қамиш.

Бўйра тутай йўлингга,
Йўл топайин дилингга.
Қовоқ уйма, ёрижон,
Қўл теккизмам гулингга.

Юртим истиқлол юрти,
Севги-ю, иқбол юрти.
Қуёшга бешик бўлган,
Беҳиштдан порлоқ кўрки.

Сой-сой қамиш,
сой қамиш,
Сойлар тўла гул қамиш.
Юртим осмони узра
Байроқ бўлсин шул қамиш.

Абдураим ИБОДОВ

Huquqshunos ilhomlari

СЕН МЕНГА КЕРАКСАН, МУҲАББАТ!

СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?
(Қўшиқ)

Ўзбекистон, Ўзбекистон,
Бунда қонунлар посбон.
Ўзбекистон одил макон,
Қомуси тилда достон.

Нақорат:
Сиз қонунни биласизми?
Унга амал қиласизми?
Фуқаролик давлатига,
Лойиқ инсон бўласизми?

Қомусимиз қатларида,
Иқболимиз битилган.
Ҳар сатрида мустақиллик,
Тинчлик руҳи битилган.

Нақорат:
Сиз қонунни биласизми?
Унга амал қиласизми?
Фуқаролик давлатига
Лойиқ инсон бўласизми?

Тенглик, ҳурлик - шиоримиз,
Қалбимиздан жой олган.
Юксак номус-оримиз,
Бутун дунё тан олган.

МУҲАББАТ

Билки, мен керакман сенга,
Муҳаббат,
Армонни дунёдан
йўқотмоқ учун.
Билки, сен кераксан менга,
Муҳаббат,
Севгимиз тонгини
уйғотмоқ учун.

Ишонгин, қалбимда
фақат ўзингсан,
Тахмин-шубҳаларга
қолмасин ўрин.
Лаҳзада минг бора
сўзим ўзингсан,
Сеҳринг эгаллаган
юрагим тўрин.

Билки, вужудимда
ўзинг ёққан ўт,
Куйдирар танамни
кечаю-кундуз.
Мени бир эслагин
- бир кўчамдан ўт,
Оқшомлар сени деб
санайман юлдуз.

На илож, ишқ дарди
синовларга бой,
Айрилиқ қулфатин
кўрмаган ким бор?
Ҳолимни кузатиб сарғаяди ой,
Ҳижронсиз висолга
эришмоқ душвор.
Англаб ол, кераксан менга
Муҳаббат,
Умримдан сўнгги кун
қолса-да агар.
Қалбимда яшайди
чексиз садоқат,
Билки, муҳаббатсиз
ҳаёт ҳам тугар...

БИР ТУЙҒУ

Бу дунёда ҳеч кимса йўқ,
Фақатгина иккимиз.
Бахт онидан дилларда чўғ,
Мавж уради ишқимиз.

Олам гўё кўзин юмган,
Биз учрашган пайтданоқ.
Гўё кўкдан меҳр томган,
Юзинг кўрган чоғданоқ.

Сену мендан ўзга барча,
Туш кўради - уйқуда.
Кўзлар ёнар - ўтдан парча,
Ой ҳам рашкдан қайғуда.

Муҳаббатнинг оғушидан,
Иккимиз ҳам маст бўлдик.
Шифои ишқ шаробидан
Ҳўп сипқориб, аҳд қилдик.

Ой ҳам бизни ёлғиз қўйиб,
Ётоғига кетибди.
Юлдузлар ҳам тунга тўйиб,
Ёстиғига етибди.

Бу дунёда биздан бошқа
Ҳеч бир ўзга кимса йўқ.
Имкон берма сен кўз ёшга,
Киприкларинг мисли ўқ.

Қўлларингни бер оҳиста,
Юрак билан тутайин.
Сочларингдир кўп ораста,
Юзларимга суртайин.

Муҳаббатнинг кўчасида,
Мену сендан йўқ ўзга.
Вафо кўнгил дарчасида,
Фақат мунтазир бизга.

Бу тун иқбол ёқасида,
Иккимизу, бир севги.
Садоқатнинг йўлкасида,
Икки юрак, бир туйғу...

* * *

Не қилайки, ҳажрингда
ўтдим,
Фироқларинг тугармикан ҳеч?
Муҳаббатинг қаърига ботдим,
Ваъдаларинг охирми бу кеч?!

Юрагимнинг қаърида дилдор,
Фақат сенинг ишқинг ёнади.
Сени истаб мудом дил бедор
Хаёл дарёсида қонади.

Сен-чи, мутлоқ бепарво,
бефарқ,
Мудом севгим кўзга илмайсан.
Наҳот мушкул бир
бора келмоқ,
Гўё меҳрим сира билмайсан.

Сабр билан яшадим, жоним,
Бутун умр висолинг кутиб.
Олис тунлар ўзимдан тондим,
Муҳаббатинг этагин тутиб...

Йўлдош СУЮНОВ

Chog'lab bitilmagan xatlar

«ҲА ЭНДИ, ЁЗВОРИБ-МИЗ-ДА!»

дейишдан ўзга иложи қолмади. Қашқадарё вилояти Муборак тумани «Гулистон» жамоа хўжалигида яшовчи «муаллиф»имиз Ж.Аҳмедовнинг. «Қаламкаш»имиз таҳририятимизга йўллаган мактубида жамоа хўжалиги раисининг хизмат суиистеъмолчиликлари, дала ишларида йўл қўйилаётган жиддий нуқсонлар, ҳисоботларни «бўяб» кўрсатиш ҳоллари ҳақида фактларни битган эдилар.

Таҳририятимиз хатни прокуратура идораларига ҳавола этиб, масалага ойдинлик киритишни сўраган эди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи Ҳ.Маҳмудовдан жавоб олдик. Унда айтилишича, Ж.Аҳмедов аллақачон прокуратура органлари томонидан текширилган ва чора кўрилган фактлар, яъни шудгорлаш ва ҳисоботлар билан боғлиқ ҳолатларни хабар қилган экан. Қолган фактлар эса «дилига келган гумон» бўлиб чиқибди. Прокуратура муаллифга оқибатсиз қолдирилган аризаси ҳақида билдириб, огоҳ этибди.

Ҳурматли О.Аҳмедов! Келинг, бундан буён оқ қоғознинг бетини беҳудага қоралаб юрмайлик. Қоғоз-ку майли-я, аммо йўқотилган қимматли вақт, бузилган асаб, муҳим ишлардан эътиборни чалғитиш жамиятимиз учун бироз қимматга тушади.

ТАҲРИРИЯТ

НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб Наврўз шодиёналари давом этаяпти. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига қарашли кўп тармоқли тезкор-қутқарув ҳаракати марказида Наврўзга бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор Баҳодир Қосимов йиғилганлар ҳузурида сўзга чиқиб, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар тўғрисида гапирди.

Тадбирда бу йилги Наврўз байрами ўзгача шукуҳ билан ўтаётгани, одамларнинг бир-бирига меҳр-мурувватти кундан-кунга ортиб бораётгани эътироф этилди. Таниқли санъаткорлар ижро этишган куй-қўшиқлар учрашувга ўзгача сурур ва завқ бағишлади.

Ўз мухбиримиз



«ҚАЙСАРИКЎПИЯ»

Сайилгоҳда дув-дув гап. Нима дейсану, ижодкорларни неларга қодирлигини синовчи, яъни «журналис-қодирлар» тайёрлайдиғон янги куллиёт иш бошлаганмиш. «Қайсарикўпия» (ўзаги - «ксерокопия») деб номланган ушбу пакультетга гонорар ва ном таратиш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиғон - «Қайсари кўп» ҚАЛАМ тебратувчилар қабул қилинармиш. «ҚайсариФАК»ка кириш бахтига эришганларнинг дастлабкиси - «Тошкент бозорлари» газетасининг Сирдарё вилояти бўйича мухбири Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВдир.

Т.Ҳайитбоев «Қадрият» газетасида ўтган йили босилган Бахтиёр Абдураҳмонов ва Акбар Йўлдошевларнинг «Санъатга пешкўм кириб келганман» сарлавҳали (Ҳожибой Тожибоев билан суҳбат) мақоласини бирор сўзини ўзгартирмай, «Тошкент бозорлари»нинг 1999 йил 19 март сонида ўз номидан «мардларча» эълон қилибди.

Жасоратга ҳамма жойда имкон бор-да!

ТАҲРИРИЯТДАН: Сирдарёда солиқ тўлаш тартибини текширувчилар, яъни қонун назоратчилари қаторида ишлаётган ҳамкасбимизни дастлабки «ютуқ» билан қутлаб, унинг кўчирмакашлигини сезиб қолган ҳамкасбларнинг пичингларини бундан буён ҳам «юракка яқин» олмаслигини тилаб қоламиз.

Huquqiy musobaqalar

ШОҲСУПА ЗАБТ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Халқ таълими Вазирлиги ёшларнинг ҳуқуқий билим савиясини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Адлия Вазирлиги, ёшлар «Камолот» жамғармаси ва телерадиокомпаниянинг «Сен қонунни биласанми?» мавзуида кўрик-танлови 1999 йил 12 мартида Бухоро муаллимлар малакасини ошириш билимгоҳи залида бўлиб ўтди. Беллашув бешта шарт бўйича олиб борилди. Биринчиси таништирув шарти бўйича уччала гуруҳ қатнашчилари ўзларининг бу мусобақага ҳозирликларини намойиш қилдилар.

Иккинчиси, ҳуқуқий билимлар синови шартида Тўқимачи тумани ғолиби 12-мактабнинг «Адолат» гуруҳи қатнашчилари берилган саволларга пухта ва аниқ жавоблар бериб, ҳисобда илгариладилар.

Учинчиси, жиноий суд процесси шартида ҳам ушбу гуруҳ яна ғолибликка эришди.

Гуруҳ сардорлари мусобақасида ҳам «Адолат» гуруҳи сардори Нафиса Остонова бошқаларни доғда қолдириб, ўз гуруҳига ғалаба олиб келди.

Қизғин баҳс ва мунозараларга бой бўлган беллашувнинг эркин мавзу шартида гуруҳларнинг чиқишлари диққат чигилларини ёзиб юборди. 12-мактабнинг «Адолат» гуруҳи устунликни бой бермади.

Беллашувда 190 балл тўплаган Тўқимачи туманининг «Адолат» гуруҳи танловнинг мутлоқ ғолиби бўлди.

Шокир ҲАСАНОВ,
Бухоро шаҳри, 12-сонли мактаб ўқитувчиси

ҚУТЛОВ

ҲУРМАТЛИ, УМАР БЎРИБОЕВ!



Қутлуғ 45 ёшингиз билан чин дилдан қутлаб, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва узоқ умр ҳамда ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Умаржон Бўрибой ўғли,
Йўлларарo юринг «ғоз».
Ҳужжатлар бўлмасин эгри,
Тексирувлар бўлсин соз!

ЎРТОҚЛАРИНГИЗ

KELGUSI CONDA:

ОСМОНГА УЧГАН



ТОНГДА ТОПИЛГАН МУРДА

«КЕЧАЛАРИ УХЛАМА!»

«Халқлар отаси» Иосиф Сталинга ҳамшаҳар бўлган бир гуржининг тирикчилиги ўтмай, қийналиб қолибди. Вино топса газак, газак топса винога ақчаси етмасмиш. Бола-чақа, хотину, улфатлари билан ораси бузилибди. Ўйлаб-ўйлаб Сталиндан кўмак сўрашга аҳд қилибди.

«Халқлар отаси»нинг номига хат ёзибди. Камбағалнинг мушкулини худонинг ўзи тўғрилайди, деганларидек, ниҳоят уни Сталин қабул қилибди.

Гуржи тирикчилиги ўтмаётганидан роса нолибди. Коба эса доҳиёна мўйловини бураб, диққат билан тинглабди.

- Хўш, Коба азизим, менга ёрдам берасанми? - дея бетоқатланибди Сталиннинг юртдоши.

- Ҳамшаҳар, қани эди қўлимдан келса, бутун мамлакат халқларига ёрдам берардим-а... Яхшиси, менга бир маслаҳат берай, диққат билан эшитиб, қалбингга жойлаб ол.

- Қанақа маслаҳат? - дея қизиқибди гуржи.

- Кечалари ухламай, одамларни кузатиб юргин.

- Нега?

- Негалигини кейин биласан. Мен ҳам шу одатим туфайли шу даражага етдим...

Гуржининг Сталиндан ҳафсаласи пир бўлибди. Ичида уни сўка-сўка юртига қайтибди. Анча вақт аввалгидай тентириб юрибди. Қош қораяр-қораймас дуч келган жойда ухлаб қолавераркан. Аммо Сталиннинг «кечалари ухламасдан одамларни кузат» деган доҳиёна ўгити уни сира тинч қўймапти.

Бир ҳафтагача кундузлари ухлаб, тунлари ухламай кўча кезибди. Дарҳақиқат «доҳий»нинг гапларида жон бор экан. Колхоз раисидан тортиб омборчию бригадирларгача туни билан ўғирлик қилишар, хазинадан, омбордан, фермадан ўмариб, бир-бирига чўтал, ҳадя бериб, рўзғорларини бутлашар эди. Баъзи бир амалдорларнинг бузуқиликларини билиб қолибди. Энди улар тунги ширакайф сайёҳларга ҳам улуш бера бошлашибди. Тез орада унинг аҳволи ўнгланиб, рўзғори обод бўлиб кетибди. Йил охирида колхоз раисининг муовини этиб тайинланибди.

Фақат райком бўлишига озгина қолганда кечалари уйқуга таслим бўладиган одат чиқаргач, тунги омади қайтибди. Ҳушёрликни буткул тарк этгач, қамалиб кетган экан...

Олло МУРОД

Балоғат ёшига етган қиз танлаган қайлиғини дадасига таништирди. У хайрлашиб кетгач дадаси қизидан сўрабди:

- Яхши суриштирдингми, мошин-пошини бормикан?

- Э, дадажоним-ей! «Ўхшатмаса-учратмас» деганлари рост экан-да! У ҳам худди сизга ўхшаб: «Дадангнинг мошина-пошинаси борми?» деб сўради, - деди кулиб.

***

Саҳнага чиқаётган раққосага устози яхшилаб уқтирди:

- Барно, бор маҳоратингни намойиш қилгин. Бугунги концертда шефдан бошқа ҳамма бўлади.

- Э, афсус, мен бўлса бугун энг чиройли кўйлагимни кийиб олибман-а! - уф тортиб юборди қизгина.

***

Хотин эридан нолиб кетди:

- Сиз аёлларнинг қадрига етмайсиз. Сурмахонни эридан ибрат олсангиз бўлмайдими! Кеча у хотинига кумуш сирға олиб берибди.

- Шу ҳам совға бўлдими, бултур мен унга тилла сирға совға қилгандим, - деди эр ихтиёрсиз керилиб.

- Нима?!

Тўпловчи: ШУНҚОР

МУСАҲҲИҲ ХАТО ҚИЛГАНДА

Гуноҳномасини (гувоҳномасини) олиб қолди.

Эртага қоп (қор) ёғади.

Ош (бош) врач.

Оламда чап (гап) кўп.

У жуда чапга (гапга) уста.

Хотинига ювга (совға) сотиб олди.

Унинг кулфатлари (улфатлари) кўп.

Судга гуноҳлар (гувоҳлар) кирсин.

Болаларнинг латтаси (каттаси).

Врачга ёзаман (озаман) деб ваъда берди.

Боғ (тоғ) эчкиси.

Чапимиз (гапимиз) қуруқ бўлмасин.

Жони (нони) бутун бўлди.

Унинг ойлиги (бойлиги) яратган асарлари эди.

Иссиқ ном (нон).

Қ.НУРМАТОВ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Сафар НАЗАРОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Зайниддин ИСЛОМОВ
Ҳамза ЗОКИРОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0221. Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: С. ҚИЛИЧЕВА
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Ш. РЕЖАПОВ
терувчи: М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.